

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ФИРИБГАРЛИКНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ –ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

*Шарофов Иқболиддин Камолиддин ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Академияси 3 ўқув курс 307 гуруҳ курсанти*

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола орқали муаллиф профилактика инспекторининг фирибгарлик жиноятининг виктимологик профилактикасининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини, қонунчилик ва юридик адабиётлардан фойдаланган ҳолда уни таҳлилини кўрсатиб ўтган.

Калит сўзлар: *фирибгарлик жинояти, профилактика инспекторининг фирибгарлик жиноятини олдини олиш фаолияти, ҳуқуқий асослар, соҳавий ҳамкорлик, виктимологик профилактика.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор показал организационно-правовые основы профилактической виктимологической профилактики преступлений мошенничества инспектора, его анализ с использованием законодательства и юридической литературы.

Ключевые слова: *мошенничество, деятельность инспектора по предупреждению мошенничества, правовые основы, отраслевое сотрудничество, виктимологическая профилактика.*

ANNOTATION

Through this article, the author has shown the organizational and legal basis of prevention inspector's victimological prevention of fraud crime, his analysis using legislation and legal literature.

Key words: *fraud crime, activities of prevention inspector to prevent fraud crime, legal bases, sectoral cooperation, victimological prevention.*

Мамлакатимизда содир этилган жиноятларнинг, шу жумладан фирибгарликнинг барчаси ҳам очилмасдан, фош этилмасдан ушбу жиноятларни содир этган шахсларга жазо муқаррарлигини таъминланмасдан қолаётганлиги ачинарли ҳолдир. Чунки, пироваридида, фирибгарлик жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг мол-мулки ўз-ўзидан фирибгарлар қўлида қолиб кетмоқда. Бунга, айрим ҳолларда фирибгарлик жиноятдан жабр кўрган фуқаролар томонидан фирибгарлик қурбони бўлганлиги ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмаслиги, натижада ушбу жиноятлар расмий рўйхатга

қайд этилмасдан “латент”лигича қолиб кетиши ҳам асосий сабаблардан бири бўлмоқда.

Масаланинг яна бир салбий жиҳати шундаки, қўлга тушмаган фирибгарлар ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, бошқа фуқароларга ҳам моддий зарар етказди. Шу боис, фирибгарликка қарши курашишда, ушбу турдаги жиноятнинг барвақт олдини олиш, фош этиш ва айбдорларни аниқлаб, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш бирдек муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада донишманд ҳалқимизнинг “касални даволагандан кўра уни олдини олган яхши” – деган нақлига амал қилиш, фуқаролар ўртасида самарали ҳуқуқий тарғибот ишларини, айниқса, виктимологик профилактик мазмунга эга чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур чора-тадбирларнинг самарадорлиги фирибгарлик жиноятини келтириб чиқарувчи сабаблар ва уларнинг содир этилишига имконият бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва аниқ, манзилли йўналтирилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш билан узвий боғлиқ.

Ўрганиш натижаларига кўра, фирибгарлик жиноятлари қуйидаги сабаб ва шарт-шароитлар таъсири остида содир этилади: а) фуқароларнинг ишонувчанлиги, соддалиги, ҳуқуқий онг ва маданиятининг етарли даражада эмаслиги, мақтанчоқлиги (уй-жойи, мол-мулки ва унинг миқдори ҳақида мақтаниш); б) оила шароитида, иш, ўқиш ва яшаш жойларида ғаразли мақсадларнинг шаклланиши; в) молпарастлик, мол-дунёга ўчлик, тезроқ бойишга иштиёқ ва очкўзликнинг мавжудлиги; г) жамиятдаги ижтимоий-маънавий камчиликлар; д) тарбиявий ишларнинг талаб даражасида эмаслиги ва х.к.

Маълумки, жиноятларнинг сабаблари объектив ва субъектив хусусиятга эгаллиги билан таснифланади. Шу жиҳатдан, фирибгарлик жиноятларига субъектив сабаблар хосдир. Кўп ҳолларда мавжуд қарама-қаршилиқлар ва салбий вазиятлар фирибгарлик жиноятларининг келиб чиқишига сабаб бўлади, яъни ушбу вазиятлар муайян шахсларда салбий ижтимоий ва индивидуал-руҳий хусусиятларни шакллантиради. Бу каби индивидуал-руҳий хусусиятлар шахсни молпарастликка жалб этади ва унда пулнинг қудратига ишонч пайдо бўлади. Оқибатда шахсда ижтимоий бузуқ руҳият шаклланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги (2014 йил 14 май) қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг механизми тўлақонли ўз ифодасини топди. Бошқача қилиб айтганда ҳуқуқбузарлик тушунчаси доирасида қамраб олинувчи жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларининг ғайриижтимоий хулқ атворга эгаллиги пайтиданок қайси турдаги профилактик таъсир кўрсатиш чора тадбирларининг қўлланилиши ҳуқуқбузарлик содир этилишида жабрланувчининг айбли ёки айбсиз ҳолатлари

уларнинг виктимлигининг олдини олиш, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларини ахлоқан тузатиш бу борада умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик прафилактик чораларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш механизми яратилди.

Аммо сохани илмий жихатдан тадқиқ қилиш зарурияти мавжуд бўлиб бунга бир қатор қонун нормаларидаги тафовудлар сабаб бўлмоқда. Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси муайян турларга ажратилган ва умумий, махсус, якка ва виктимологик профилактикаси ташкил этади. Бироқ профилактик шакл ва мазмун жихатдан тахлили уларнинг барчасини ҳам тур сифатида этироф этишни истесно этади. Негаки ,муайян бир тур бошқасидан ўзига хос хусусият индивидуаллик билан фаркланиши лозим. Аммо қонунда келтирилган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турларининг барчаси бу каби хусусиятга эга эмас .Яъни уларнинг ўзига хос жихатлари билан бир биридан тубдан фарқ қилмасдан бир - бирини тақазо этади ва айнан бир турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тури сифатида ажратиб кўрсатишимизга монелик қилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуннинг 9- моддасида ҳуқуқбузарликлар праафилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар тизими кўрсатилган бўлиб уларга:

- 1) Ички ишлар органлари
- 2) Прокуратура органлари
- 3) Давлат хавфсизлаги хизмати органлари
- 4) Адлия органлари
- 5) Давлат божхона хизмати органлари
- 6) Давлат солиқ хизмати органлари
- 7) Мехнат ва аҳолини муҳофаза қилиш органлари
- 8) Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари
- 9) Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари
- 10) Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган органлар ва муассасалар ҳуқуқбузарликлар профилактикасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этадилар.

Юқорида келтириб ўтилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга отпирувчи орган ва муассасалар фирибгарликка оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва бартараф этиш юзасидан тегишли чора тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга маъсул ҳисобланадилар.

Қонун ҳужжатларига биноан ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок

этувчи субъектлар эса қуйидагилар:

- 1) Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари
- 2) Нодавлаг нотижорат ташкилотлар
- 3) Оммавий ахборот воситалари;
- 4) Вояга егмаганларга иштимой хуқуқий ёрдам курсатиш марказлари
- 5) Васийлик ва хомийлик органлари;
- 6) Маданият ва спорт ишлари вазирлиги,
- 7) Туризм соҳасидаги ташкилотлар
- 8) Ташқи ишлар вазирлиги;
- 9) Консулликлар;
- 10) Ота-она;
- 11) Фуқаролар

Иштирок этувчи субъектлар бўлиб фирибгарликни олдини олишга қаратилган чора тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш хуқуқига эгадирлар.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси устидан умумий раҳбарликни

- Ўзбекистон Республикаси Президенти
- Вазирлар Маҳкамаси
- Маҳаллий давлат органлари амалга оширадilar.

2017-йил 25-августдаги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг "Ички ишлар органлари томонидан хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги 191-сон буйруғига кўра Ички ишлар органлари томонидан хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисида йўриқнома тасдиқланиб ўтилган иккинчи бобда ички ишлар органлари томонидан хуқуқбузарликлар ипрофилактикасини бевосита амалга оширувчи соҳавий хизматлар кўрсатилган. Уларга;

1. Хуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари;
2. Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмалари;
3. Жиноят қидирув бош бошқамаси ва унинг жойлардаги тизимлари
Терроризм ва экстримизмга қарши курашиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари;
Патрул пост хизмази ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари;
Йўл ҳаракати хавфсизлиги ва унинг жойлардаги тизимлари;
Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари;
Жазони ижро этиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари;

Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари;

Қўриқлаш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари

Транспортда жамоат хавфсизлигини тامينлаш бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари кириб, бу сохавий хизматлар ўз йўналишларида фирибгарликка оид ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан ўзаро ҳамкорликда чора тадбирларни амалга оширадilar .

Ички ишлар органларининг бошка сохавий хизматлари , мустақил бўлимлари ,таълим муассасалари ҳамда ички ишлар органларини бошланғич таёрлаш ва малакасини ошириш марказлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ички ишлар органлари раҳбарларининг буйруғи , фармойиши ва кўрсатмалари асосида иштирок этадилар деб қайд этилган.

Ички ишлар органи тергов департаменти терговчилари, суриштирувчилари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 343-моддасига асосан терговга қадар текширув органларида ваколоти доирасида ҳудудда содир этилган фирибгарлик жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт -шароитларни аниқлаш ҳамда келгусида ўшбу турдаги жиноятларнинг олдини олиш чораларини кўриш ҳақидаги топшириқ каби кўрсатма бериш ваколотига эга. Шу сабабли терговчи маъмурий ҳудудда содир этилган оғир ва ўта оғир турдаги фирибгарлик жиноятларининг олдини олиш юзасидан профилактика инспекторларига тошпириқ бсрганда, бу турдаги ҳуқуқбузарликка имкои бергаи сабаб ва шарт-шароитларни аниқ кўрсатиб ўтиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <http://lex.uz> (Национальная база законодательства Республики Узбекистан)
2. 18.04.2017 йилдаги “ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2896 электрон манбаа: Lex.uz сайти <https://lex.uz/docs/-3175732>
3. Jinoyat huquqi Maxsus qism darslik M.X.Rustambayev Toshkent 2018. 10 bet
4. Жиноятларнт тергов қилиш методикаси ўқув қўлланма Р.Р.Шакуров. Тошкент 2013й. 33-36 б.
5. Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилк ва босқинчилик билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида 30.04.1999 йилдаги Олий суд пленум қарори Манбаа Lex.uz сайти: <https://lex.uz/docs/-1448644>